

**Инглиз тили грамматикасининг умумназарий масалалари  
хусусида**

*Чирчик давлат педагогика университети катта уқитувчиси*

**Т.Т.Мансурова**

**+998995534427, [t.mansurova@cspi.uz](mailto:t.mansurova@cspi.uz)**

**Калит сузлар:** Грамматика тилнинг семантик системаси, грамматик қурилишини ўрганади, грамматик категориянинг бу икки томони, ҳозирги замон тилишунослиги термини билан айтганда, грамматиканинг учта компоненти, яъни синтактик, фонологик ва семантик компонентларни ташкил қилади.

**Аннотация:** Инглиз тилида грамматик категорияларни ифодалашда турли хил воситалар: асосан, предлог ва шунга ўхшаш ёрдамчи сўзлар, аналитик формалар, аналитик конструкциялар ва бошқа синтактик бирликлар, сўз тартибининг маълум даражада қатъийлиги, оз миқдорда бўлсада, флексия ҳодисаларини киритиши мумкин.

**Ключевые слова:** Грамматика изучает семантическую систему языка, грамматическую конструкцию, эти два аспекта грамматической категории с точки зрения современного языкознания составляют три компонента грамматики, то есть синтаксический, фонологический и семантический компоненты.

**Аннотация:** В английском языке для выражения грамматических категорий используются различные средства: в основном предлоги и подобные им вспомогательные средства, аналитические формы, аналитические конструкции и другие синтаксические единицы, определенная степень жесткости порядка слов, хотя в небольших количествах могут включаться флективные явления.

Маълумки, тилда доимий ривожланиш, бойиш, янгиланиш жараёнлари кузатилади. Бу янгиланишлар натижасида барча тилларда, хусусан, лексиканинг турли сатҳларида мавжуд адабий нормаларда ўзгаришлар пайдо бўлади ёки нормалардан четга чиқиш ҳодисалари содир бўлади. XX асрнинг 60 йилларида О.С.Ахманова, Ю.А.Белчикова, В.В.Веселицкий сингари тилшунос олимлар ташаббуси билан тўғри нутқ ва тил меъёрларини ўрганувчи махсус лингвистик соҳанинг шакллантирилганлиги ҳам меъёрлаштириш муаммоси билан боғлиқ. Ушбу олимларнинг фикрича, “нутқни меъёрлаштириш тилшуносликнинг фонология, морфология, синтаксис, грамматика, лексикология, лингвостилистика каби бўлимларида тегишли тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади”.

Грамматика тилнинг семантик системаси, грамматик қурилишини ўрганади. Унинг асосида грамматик категориялар ётади. Грамматик категория ўз навбатида грамматик маъно ва грамматик формаларнинг ажралмас бирликларидан ташкил топади. Грамматик категориянинг бу икки томони, ҳозирги замон тилшунослиги термини билан айтганда, грамматиканинг учта компоненти, яъни синтактик, фонологик ва семантик компонентларни ташкил қилади. Бу уч компонент грамматик алоқа ва шу алоқани ифодаловчи морфемалар характери билан, грамматик категорияни ифодалашда иштирок этувчи фонологик бирликлар, грамматик ва лексик-грамматик маъно билан боғлиқдир. Шу учала компонентнинг уйғунлиги асосида “грамматик тўғрилиқка эришиш, яъни грамматик тўғри гаплар тузиш мумкин бўлади. Грамматик тўғрилиқ шакл ва маъно уйғунлигидан иборат бўлиб, у ҳам ҳар бир грамматиканинг асоси ҳисобланади”.

Ҳозирги замон инглиз тили грамматикасининг айрим ўзига хос хусусиятларини санаб ўтиш мумкин:

- бу тил аналитиклашган;
- ёрдамчи сўзлар кенг қўлланади;
- морфологик флексиянинг камбағаллиги сабабли кўп грамматик

категорияларнинг ифодаланишида синтаксис фаол иштирок этади;

- сўз тартиби асосий грамматик сигналлар қаторига ўтади;
- тилнинг турли вариантлари мавжуд ва бошқалар.

Инглиз тилида грамматик категорияларни ифодалашда турли хил воситалар: асосан, предлог ва шунга ўхшаш ёрдамчи сўзлар, аналитик формалар, аналитик конструкциялар ва бошқа синтактик бирликлар, сўз тартибининг маълум даражада қатъийлиги, оз миқдорда бўлсада, флексия ҳодисаларини киритиш мумкин. Бу воситалар инглиз тилида ўзига хос ўринда туради. Натижада, биринчидан синтактик ва аналитик формалар ўзаро оппозицияга эга бўлса, иккинчидан маълум грамматик категорияларнинг ифодалаш усулини белгилашда яруслараро синонимия ҳодиса содир бўлади. Буларнинг барчаси инглиз тилининг ўзига хос грамматик системага эга эканлигидан далолатдир.

Тилнинг грамматик имкониятлари беқиёс экан, бу ҳол тил луғавий қатламининг лексик-семантик тараққиётини таъминлайди. Кўп йиллар мобайнида грамматик сатҳда олимлар сўз туркумларини муттасил ўрганиб келаётган бўлсалар-да, ҳали бу соҳанинг ўзига хос очилмаган қирралари пайдо бўлмоқда.

Лексеманинг семантик сатҳи унинг барча грамматик имкониятлари билан мустаҳкам боғланган, сўзда грамматик маъно қирраларини ўрганиш лингвопоэтика, умуман тилшунослик тараққиётининг муҳим аспектларидан ҳисобланади.

Сўзнинг категориал маъноси ҳар доим унинг лексик маъноси билан боғланавермайди. Сўз грамматик қурилишнинг базаси; у тилнинг луғат қатламида ҳам, грамматик қурилишида ҳам энг зарур асосий бирликдир. Сўзлар яқка ҳолда предмет, ҳодиса, белги кабиларни билдиради, улар ҳақидаги тушунчани ифодалайди, уларни атайди, лекин фикр баён қилишда у гап таркибида бўлади: сўз гап таркибида, нутқда тилнинг фикр баён қилиш воситалари тизимидаги ўз дискурсив вазифасини бажаради, шу билан бирга маъносининг янги қирралари ҳам шаклланади, яъни полисемантик

сўзларнинг маъно парадигмалари дискурсив шароитда шаклланади. Тил номинатив ва коммуникатив функциялардан ташқари экспрессив вазифани ҳам бажаради. Сўзнинг бундай вазифаси маълум қонуниятлар доирасида амалга ошади.

Сўз орқали онгдаги тушунчалар, воқеликдаги ходисалар, борлиқнинг турли томонлари, кишилиқ жамияти, инсоннинг турмуш тажрибалари акс эттирилади.

1. Тилдаги лексик-семантик бирликларнинг грамматик, семантик-стилистик парадигмалари, парадигмалар мазмун сатҳи, тил луғавий қатламининг семантик-стилистик имкониятлари когнитив тилшуносликнинг ўрганиш объектлари ҳисобланади.

2. Нутқни меъёрлаштириш тилшуносликнинг фонология, морфология, синтаксис, грамматика, лексикология, лингвостилистика каби бўлимларида тегишли тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади.

3. Инглиз тилида ҳам сўз туркумлари мустақил ва ёрдамчи (**notional and functional or structural**) қисмларга бўлиб ўрганалади. Мустақил сўз туркумлари экстралингвистик феноменларни, яъни нарса, ҳаракат, сифат, ҳиссиётни; ёрдамчи сўз туркумлари сўзлар ва гаплар ўртасидаги алоқа ва боғлиқликларни ёки бошқа қўшимча ҳолатларни тўлдиришга хизмат қилади.

4. Инглиз тили луғат таркибининг грамматик семантикаси ундаги сўз туркумларининг ўзига хос вазифалари билан боғлиқ. Сўзнинг грамматик маъноси нутқда когнитив мазмун ифода қилишда ёрдамчи вазифани бажаради.

5. Феълларнинг маълум дискурсив шароитда ёрдамчи вазифаларни бажаришлари олимлар томонидан қайд қилинган. Бу борада, айниқса рус ва ўзбек олимларининг эътиборга лойиқ тадқиқотлар олиб борганлиги кузатилади. Рус ва ўзбек тилларидаги боғлама вазифасини бажарувчи феълларнинг инглиз тилига қиёси жаарёнида уларнинг ўз тил доирасидаги семантик-стилистик ва функционал хусусиятларини ўрганиш муҳим

аҳамият касб этади.

**Фойдаланилган адабиетлар:**

- 1.Рахмонбердиев К. Глаголы зрительного восприятия в узбекском языке. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1969. –19 б;
- 2.Искандарова Ш. Тил системасига майдон асосида ёндашув. –Тошкент, “Фан”,2007. – 183 б;
- 3.Назирова Ш. Семантическая структура и сочетаемость соматизмов в английском, узбекском и русском языках. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 2004. –24 б.
4. Бўронов Ж. Взаимосвязь и взаимозамена лексических и грамматических морфем //Научная конференция. Вопросы описания лексико-семантической системы языка. Тезисы докладов. Ч. 1. (16-18 ноября 1971г.) – Москва, 1971. – С. 71-73
- 5.Абдуазизова. Узбек тилнинг фонологияси ва морфологияси.-Т.: Укитувчи,1992.-128б.